

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА.

Эълон № 22110012051406 14.03.2022 й

2022 й. «4» 4

2022-59-7-102-ОВ-сон

Зиёвуддин ш.

“STAR INVEST MEGA STROY» МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади ўзининг Низоми (устаи, ишончнома) асосида иш юритувчи **Н.Бердиев** номидан, бир томондан ва **Пахтачи тумани Ободонлаштириш бошқармаси** кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, ўзининг Низоми (низоми, устаи, ишончнома) асосида иш юритувчи бошлиғи **А.Шерматов** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»га **Пахтачи тумани Жаҳонобод МФЙ Мароканд кўчасига ташқи ёритиш тизими учун труба устунлар (опора 1 ва 2 чирокли) ясаш ва ўрнатиш хизмати** (кейинги уринларда «Хизматлар» деб юритилади) хизматини кўрсатиш, «Буюртмачи» ушбу «Хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2 «Хизматлар»нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нарҳи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада киритилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич Нарҳи	Шартноманинг умумий Қиймати (битим суммаси)
1	Пахтачи тумани Жаҳонобод МФЙ Мароканд кўчасига ташқи ёритиш тизими учун труба устунлар (опора 1 ва 2 чирокли) ясаш ва ўрнатиш хизмати	13 000 000	12 800 000
	Жами		12 800 000

Шартноманинг умумий сўммаси 12 800 000 (Ўн икки миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1 «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. «Бажарувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. «Бажарувчи»дан «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. «Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Хизматлар»ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Хизматлар» кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра: зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» шунга ўхшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини; баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш.

### 2.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртмаси буйича кўрсатилган «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.2. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх буйича, қабул қилиш – топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, Ҳазначилик бўлинмаси, дўхатидан ўтказилганидан сўнг олдиндан 30% ҳақ тўлаш.

### 2.3. «Бажарувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган «Хизматлар» учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узун – кесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртмага мувофиқ кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш.

### 2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи»га «Хизматлар»ни мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар «Хизматлар»ни бажариш жараёнида «Бажарувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30-кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 12 800 000 (Ўн икки миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Кўрсатилган «Хизматлар» учун пул кўчириш йули билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Бажариладиган Хизматлар (хизматлар) учун олдиндан тўлов 30% ни ташкил қилади, қолган 70% бажарилган «Хизматлар» 30 кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура асосида тўланади.

#### **4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3 «Хизматлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар буйича бажарилган сана ҳисобланади.

4.4 «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақли.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда «Хизматлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Хизматлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Хизматлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги буйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган «Хизматлар» бевосита «Буюртмачи»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган «Хизматлар» ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган «Хизматлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажми мазкур шартномада кўрсатилган давр мабойнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг буюртманомаларини руйхатдан ўтказиш дафтарида юритади. Буюртманома «Хизматлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мулжалланаётган санасигача камида 5-кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Хизматлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1-кун олдин хабардор қилади.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Бажарилаётган «Хизматлар» сифати, ҳажми «Бажарувчи» томонидан тўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Бажарувчи» бажарилаётган «Хизматлар»нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажминини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу сўммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сўмmanın 20-фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган «Хизматлар»нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарига (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган «Хизматлар» қийматининг 20-фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. «Хизматлар» бажариш кечиктирилган ёки тулиқ бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5-фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бундан пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган «Хизматлар» қийматининг 50-фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» бажариш муддати кечиктирилиши ёки тулиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарар қопланишидан озод қилмайди.

5.4. Бажарилган «Хизматлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4-фоизи миқдорида махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов сўммасининг 50-фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. «Буюртмачи» томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун «Буюртмачи»ни жавобгарликка тортишда, шунингдек унинг ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) «Буюртмачи» томонидан контрактация шартномаси буйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган «Бажарувчи»нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. «Бажарувчи»нинг айби билан контрактация шартномасининг «Буюртмачи» томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда «Бажарувчи» томонидан қопланади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора тadbирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.



5.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган Хизматлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарк «Хизматлар» бажарувчи томонидан копланди.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчилик ва Низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

Шартнома 2022-йил «1» апрел дан 2022-йил «31» декабригача амалда бўлади.

Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган, ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Пахтачи тумани буйича Ғазначилик бўлинмасидан белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кириди.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини йўқолаётди ва қафолатлайди.

9.2. “Истеъмолчи” “Ўтказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни қафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Ўтказиб берувчи”нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонлар ўртасида 2 асл нусха ва 1 та кўчирма нусхада тузилиб, кўчирма нусхасини Пахтачи туман буйича Ғазначилик бўлинмасига руйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «Бажарувчи»

«STAR INVEST MEGA STROY» МЧЖ

(хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Пахтачи туман Бодой МФЙ

Тел./факс + 998 97 228 45 92

Ҳ/р: 20208000305199205001

Банк номи: «Агробанк» Пахтачи филиали

МФО: 00297 ИНН: 307250239

### «Бўйортомачи»

Пахтачи туман Ободонлаштириш бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Пахтачи тумани М.Улуғбек МФЙ

Тел./факс +998 66 403 12 27

Ҳ/р\*100022860182307065200110001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200770249

ОКОНХ

Пахтачи туман Ғазначилик бўлинмаси

Ҳ/р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш ХХКМ. МФО 00014

ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201132919

Рахбар \_\_\_\_\_ А.Шермагов

Рахбар \_\_\_\_\_





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI**  
**PAXTACHI TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI**

2021 yil 4 aprel

Ziyovuddin s.

**Xo‘jalik shartnomasi yuzasidan yuridik ekspertiza**

**XULOSAsi**

Paxtachi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan “STAR INVEST MEGA STROY» МЧЖ o‘rtasida tuzilgan pudrat shartnomasi ko‘rib chiqilganda qo‘ydagilar

**ANIQLANDI:**

Paxtachi tuman tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan “STAR INVEST MEGA STROY» МЧЖ o‘rtasida tuzilgan pudrat shartnomasini loyihasi O‘z.Res.sii “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonun talablariga rioya qilingan holda tayyorlangan. O‘zbekiston Respublikasi “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar shartnomaviy huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Qonunning 10-15-24-32 moddalarida ko‘rsatib utilgan bandlar tuliq o‘z aksini topgan. Mazkur xo‘jalik shartnomasining loyihasi, shartnoma predmitini, etkazib beriladigan tovarning miqdori, sifati, va bahosini, shartnomaning bajarilishi mudatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, majburiyatlar bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini, shartnoma tuzilgan sana va joyini, shuningdek qonunchilikda belgilangan tartibda yoki taraflarning birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarga olgan. Shartnomada hisob-kitob tartibi ham qonunchilikka mos ravishda belgilangan, oldindan tulov masalasi ham qonunchilikda belgilanganidan kam bo‘lmagan miqdorda ko‘rsatilgan.

**X u l o s a :**

Paxtachi tuman tuman Obodonlashtirish boshqarmasi bilan “STAR INVEST MEGA STROY» МЧЖ o‘rtasida tuzilgan pudrat shartnomasini loyihasi amaldagi qonunlar talablariga mos ravishda ishlab chiqilgan. Yuqorida ko‘rsatilgan normativ xujjatlar talablariga javob beradi.

Paxtachi tuman Yuridik xizmat

ko‘rsatish markazi bosh yuristkonsul‘ti:



A.S.Patayev